



ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

ШАХАР ИЖТИМОЙ-СИЁСIIY ГАЗЕТАСИ

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган ◆ № 64 (9.408) 2000 йил 31 май, чоршанба ◆ Сотувда эркин нархда

1 июнь — Болаларни ҳимоя қилиш халқаро куни

«Тошкентленд»даги шодиёналар



КЕЧА — шайни жуда ҳам хошлаймиз, — дейди ҳукуматга қарашли бўлмаган «Соғлом авлод учун» хайрия жамоасининг раиси Ойниса Мусурмонова. — Ушбу хайрия тadbирининг бошқарувида катта ишчилик бўлган. Ҳукуматга қарашли бўлмаган халқаро «Соғлом авлод учун» хайрия жамоаси, Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги, «Узэкспомарказ», «Coca-cola» компанияси фарзандларимиз дилига бир олам қувонч бағишладилар. Бу ерда ўтказилган хайрия тadbирини болалар қалбига ўчмас из қолдирди.

— Бу ердаги тadbирлар сизларга ёқаяптими? — деб сўрадик 21-Мехрибонлик уйи болаларидан.

— Жуда-жуда ҳам ёқмоқда! — деб бир овоздан жавоб беришди болалар. Улар битта аттракциондан иккинчисига ўтишга, ўзига хос эртақлар оламига киришга ошқинар эди.

Бу ерда янграган мусиқа оҳанглари, «Томоша» болалар жамоасининг чиқишлари ҳаммага манзур бўлди.

— Болаларни ҳимоя қилиш халқаро кунинда Мехрибонлик уйларида тарбияланувчи фарзандларимизга совға-саломлар ула-

шайни жуда ҳам хошлаймиз, — дейди ҳукуматга қарашли бўлмаган «Соғлом авлод учун» хайрия жамоасининг раиси Ойниса Мусурмонова. — Ушбу хайрия тadbирининг бошқарувида катта ишчилик бўлган. Ҳукуматга қарашли бўлмаган халқаро «Соғлом авлод учун» хайрия жамоаси, Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги, «Узэкспомарказ», «Coca-cola» компанияси фарзандларимиз дилига бир олам қувонч бағишладилар. Бу ерда ўтказилган хайрия тadbирини болалар қалбига ўчмас из қолдирди.

— Бу ердаги тadbирлар сизларга ёқаяптими? — деб сўрадик 21-Мехрибонлик уйи болаларидан.

— Жуда-жуда ҳам ёқмоқда! — деб бир овоздан жавоб беришди болалар. Улар битта аттракциондан иккинчисига ўтишга, ўзига хос эртақлар оламига киришга ошқинар эди.

Бу ерда янграган мусиқа оҳанглари, «Томоша» болалар жамоасининг чиқишлари ҳаммага манзур бўлди.

— Болаларни ҳимоя қилиш халқаро кунинда Мехрибонлик уйларида тарбияланувчи фарзандларимизга совға-саломлар ула-



СУРАТЛАРДА: «Тошкентленд»да ўтказилган байрам шодиёналаридан лавҳалар. Сергей Любич олган суратлар.

Болаларни ҳимоя қилиш халқаро кунига бағишланган бошқа мақолаларни газетанинг 3-4-саҳифаларида ўқийсиз.

ДАВР САДОСИ

БАРЧА МАНБАЛАРДАН ОЛИНГАН СЎНГИ ХАБАРЛАР

МАМЛАКАТИМИЗДА

● **Кеча** Тожикистон Республикаси Бош вазир Оқил Оқиллов амалий ташриф билан Ўзбекистонга келди. Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг пойтахтдаги қароргоҳида икки мамлакат Бош вазирларининг учрашуви бўлиб ўтди. Шундан сўнг Бош вазирлар иштирокида икки мамлакат ҳукуматлари делегацияларининг кенгайтирилган таркибдаги музокаралари бўлиб ўтди. Унда бир қанча муҳим масалалар муҳокама қилинди.

● Вазирлар Маҳкамасида Кичик ва ўрта тadbиркорликни ривожлантиришни рағбатлантириш бўйича республика мувофиқлаштирувчи кенгашининг йиғилиши бўлиб ўтди.

● Сурхондарё вилояти пиллақорлари қабул пунктларида 930 тонна пилла топшириб, бу борадаги шартнома режасини ошириб бажардилар.

● Ўзбекистон Республикаси Прокуратурасида идоралараро мувофиқлаштирувчи кенгаш мажлиси бўлди. Мажлисда кино-ятларнинг олдини олиш, фоз этиш, тергов қилиш ва жазо муқаррарлигини таъминлаш юзасидан таъсирчан чора-тadbирларни амалга ошириш йўллари белгиланди.

● Андижонда республика китоб ярмарка-курғамаси бўлиб ўтди.

● Пойтахтимиздаги «Туркистон» саройида Исроиил Давлати ташкил этилганлигининг 52 йиллигига бағишланган тантанали кеча ўтказилди.

● Банк-Молия академиясида «Ўзбекистон банк тизимининг эркинлаштиришнинг долзарб масалалари ва жаҳон тажрибаси» мавзусида халқаро илмий-амалий конференция ўтказилди.

● Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Гидрометеорология Бош бошқармасида ҳудудимиздаги иқлим ўзгаришлари ва бу жараён натижасида руй бериши мумкин бўлган оқибатлар муаммосига бағишланган республика илмий семинари бўлиб ўтди.

● Пойтахтнинг марказий вокзалидан Тошкент — Москва тез қатновчи поездининг ҳаракати қайтадан тикланди. Поезд ҳафтада икки марта — душанба ва пайшанба кунлари юради.

● Бухоронинг кўна қарвонсаройларида бирида «Тасвирий ойна» уюшмасининг вилоят бўлими томонидан ташкил этилган кўнрақ театри очилди.

● Самарқанддаги ортопедия-жарроҳлик шифохонасида букрилик касалига даво топилди. Уни ёш шифокор Саидқосим Пардаев кашф этди. Шундай қилиб, ўзбек шифокори жаҳон тиббиёти соҳасида ўзига хос янгилик яратди.

● Сурхондарёда «Термизнинг 2500 йиллиги» жамоаси ташкил этилди. Эндиликда, «Пахтабанк»нинг Термиз бўлимида очилган жамоа ҳисоб рақамига ихтиёр равишда маблағлар келиб тушмоқда.

ЖАҲОНДА

● Москвада Россия ва Европа Иттифоқининг саммити бўлиб ўтди. Россия Федерацияси Президенти В. Путин ва Бош вазир М. Касьянов Португалия Бош вазир А. Гуттереш (Португалия ҳозирги пайтда Европа Иттифоқиде раислик қилмоқда) бошчилигидаги Европа Иттифоқининг нufузли делегацияси ва Европа Комиссиясининг раиси Р. Проди билан музокаралар олиб бордилар. Музокаралар натижасида Россия билан Европа Иттифоқи ўртасидаги муносабатлар нормаллашиб бораётганлиги тўғрисида баёнот берилди.

● Россия Федерацияси Президенти Владимир Путин ядро қуроли синовини ялпи тақиқлаш тўғрисидаги шартноманинг ратификацияси ҳақидаги қонунга имзо чеқди.

● Вашингтонда Америка — Ўзбекистон савдо палатасининг йиллик VI конференцияси бўлиб ўтди.

● Бугун Тбилисида Грузия Президенти Э. Шеварднадзе МДҲнинг ижрочи котиби Ю. Яров билан учрашди. Учрашув чоғида июни ойида Москвада ўтадиган МДҲ раҳбарлари саммитига тайёргарлик, минтақавий хавфсизлик масалалари муҳокама этилди.

● Бугун Марказий Осиё мамлакатлари бўлаб сафар қилаётган Европада Хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг амалдаги раиси, Австрия ташқи ишлар вазир Б. Феррера-Вальднер Киргизистонга келади. У Туркменистон ва Тожикистон Президентлари С. Ниязов ва И. Раҳмоновлар билан учрашди.

● Перуда Президент сайловининг иккинчи босқичи бўлиб ўтди. Дастлабки натижаларга қараганда, ягона номзод — амалдаги Президент Алберто Фужимори сайловда қатнашганлардан 75 фоизининг овозини олишга муваффақ бўлган.

● Сьерра-Леонеда исёнчилар тўдалар томонидан хибсага олинган БМТ тинчлик кучлари ҳарбийларининг барчаси озод қилинди.

● Покистон ҳукумати Хиндистон томони тинчлик музокараларини давом эттиришга қарор қилди. Маълумки, икки давлат ўртасида алоқаларни барқарорлаштириш мақсадида бошланган музокаралар ўтган йили Қашмир можароси сабабли тўхтаб қолган эди.

● Европа мамлакатлари бўлаб давлат раҳбари сифатида ўзининг охири расий сафарини Португалиядан бошлаган АКШ Президенти Билл Клинтон Бунд Лиссабонда Европа Иттифоқининг раҳбарлари билан учрашди, кейин у Германия, Украина ва Россияга ташриф буюрди.

● БМТнинг ҳарбий миссияси Тожикистондаги ўз ишчини ниятисига етказди.

● АКШнинг Флорида штатида ўз вазирасини бажарган «Шатл-Атлантик» фазо кемаси «Кенеди» номи фаза марказига қўнди.

● Германиянинг Хонновер шаҳрида ўтказилган халқаро компьютерлар курғамасида Самарқанддаги «ТС-технология» илмий ишлаб чиқариш маркази ҳам иштирок этиб, мутахассислар эътиборига сазовор бўлди.

● Фижия армиясининг бош қомандани мамлакат Президенти вазирасини ўз зиммасига олганлиги ва мамлакатдаги вазиранинг барқарорлаштириш мақсадида факулдада ҳўлат жорий этганлиги тўғрисида баёнот берди.

● Нигерия шимолида мусулмонлар билан насронийлар ўртасида яна тўқнашув юз берди. Бу икки юз кишининг ўлимига сабаб бўлди. Юзга яқин уйга ўт қўйилди. Полиция тезда ўзга нотинчликни бостирди.

● Қувват ички ишлар вазирлиги мамлакатга тегишли денгиз ҳудудида кетаётган кемадан икки юз килграмдан ортиқ гиванд модда топилигани маълум қилди. Бу жиноят юзасидан эронлик 13 фўқаро хибсага олинган.

ЎЗБЕКISTON RESPUBLIKASI ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ ҚАРИМОВГА

Мухтарам Ислам Абдуганиевич!
Юксак самимият, оталарча меҳр ифодаси бўлган табрик сўзларингиз биз — талаба ёшлар — университетда иштирокчиларини беҳад тўлқинлантириб юборди. Шундай азиз Ватанда, шундай мусоффо осмон остида яшаётганимиздан, шундай буюк халққа фарзанд эканимиздан кўксимиз гурурифтхорга тўлди.

Эзу тилакларингиз ва юксак ишончингиз учун бениҳоя миннатдоримиз.

Сизнинг бизларга қарата айтган умид ва ишонч тўла сўзларингиз университетда муособакларини давомиде кўнмизга қуч, ғайратимизга ғайрат қўшди, мудом голиблик, мардлик, танитлик ҳисси билан майдонга тушишга даъват этиб турди.

Бугун озод ва обод Ватанимизда баркамол авлод тарбиясига улкан эътибор билан қаралмоқда. Гузал Наманган шаҳрида ўтган университетда бунинг яққол далилидир.

Сизни ишонтириб айтмакчи, биз муқаддас Ватанимиз равақи йўлида сидқидилдан хизмат қилишга ҳаммиса тайёрмиз. Юртимиз, халқимиз ва йўлбошчимиз билдирган юксак ишончга муносиб бўлмоқ бизнинг фарзандлик бурчимиз эканини бир умр ёдда сақлаймиз.

Юртимиз бахтига доимо соғ-омон бўлинг!
Эхтиром билан

**МИННАТДОР ФАРЗАНДЛАРИНГИЗ
— УНИВЕРСИДАДА ИШТИРОКЧИЛАРИ**
2000 йил 29 май, Наманган шаҳри.

«Универсиада-2000» якуланди ФИДОЙИ ХАЛҚНИНГ ЮРТПАРВАР ФАРЗАНДЛАРИ БАЙРАМИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг ташаббуси ва раҳнамолигида ўтказилган илк «Универсиада-2000» мусобақалари юртимиз ёшлари ҳаётида унутулмас ва бетакорр воқеаларга бойлиги билан ўзига хос эркин саҳифаларга эга бўлди. Мамлакатимизнинг турли шаҳарларидан, шунингдек унинг гузал пойтахтидан сўлим Наманганга ташриф буюрган талаба-ёшлар бир ҳафта мобайнида спортнинг ўзга яқин тури бўйича уюштирилган мусобақаларда ўз маҳоратларини намойиш этидилар.

Баҳсларда энг кўп медални Наманган вилоятининг вакиллари кўлга киритишди. Пойтахтдан ташриф буюрган «Тошкент-1» жамоаси вакиллари кўрсаткичлари ҳам қувончли бўлди. Бугунча энгил атлетика мусобақаларида 8 та олтин медалга эга бўлган тошкентликларнинг бошқа турлар бўйича натижалари ҳам қачки бўлмади. Сўнгги сарҳисобга қура, умумжамоа ҳисобиде наманганликлар биринчи, «Тошкент-1» жамоаси иккинчи, самарқандликлар учинчи ўринни эгаллаб, «Универсиада-2000»нинг голиблик шохуспақига кўтарилишди.

Ўтган кун Наманган шаҳридаги «Навбахор» стадионида ўзгача фазиз ва тароват касб этди. Бу ерда спорт анжуманининг ёпилиш маросими бўлиб ўтди. Майдон узра мусиқа садолари янгради. Самода университетда байроғини хиллратиби, улкан ҳаво шари парвоз қилди.

Стадионга тўплаган мингмиглаб томошбинларнинг гулдурас қараклари остида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовга «Универсиада-2000» иштирокчиларининг мактубини Наманган Давлат университетининг топибаси Гулбаҳор Мухиддинова ўқиб эшиттирди. Шундан сўнг университетда голибликка ўртбошимизнинг махсус совринлар — «Тико» автомобиллари тантанали равишда топширилди. Голибларни мукофотлаш маросимида иштирок этган Президентнинг Давлат маслаҳатчиси Т. Рускиев, Бош вазир ўринбосари Д. Фуломов, Тошкент шаҳар ҳокими К. Тулганов, Давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси раиси Б. Махситов ва бошқалар совринларга «Юртбошимизнинг ана шу қимматли совгаларини топширдилар.

Шундан сўнг стадионда Ватан, ёшлик, дўстлик ҳақидаги қўшиқлар янгради, томошабинлар қўлларидеги давлатимиз байроғини баланд кўтариби, ўз юртига бағишланган совдақатларини намойиш этидилар.

Универсиада байроғи туширилган навабдаги шундай ажойиб тadbир Бухоро шаҳрида ўтказилиши эълон қилинди. Наманган вилояти ҳокими К. Жабборов Бухоро вилояти ҳокими С. Хусеновга университетда байроғини топширди.

Шундай қилиб, юртимизда яна бир улкан спорт анжумани тарих саҳифасига айланди. У фидойи халқимизнинг юртпарвар ўғил-қизларига жуда ҳам ярашлиқ байрам сифатида тарих саҳифасидан ўрин олди.

(Уз мухбиримиз).

«Toshkent open» турнири ТАШКИЛИЙ ҚЎМИТА МАЖЛИСИ

КЕЧА

пойтахтимиздаги «Динамо» теннис клубида шу йилнинг 10-18 июнь кунлари «Toshkent open» Халқаро аёллар теннис турнирини ўтказиш бўйича ташкилий қўмитанинг мажлиси бўлиб ўтди. Мажлисини Тошкент шаҳар ҳокимининг биринчи ўринбосари Атҳамжон Миржалилов олиб борди.

Ободонлаштириш бош бошқармаси, Бизнес маркази, Савдо департаменти, «Тошшаҳарнур», «Тошшаҳарйўловитранс» уюшмаларининг вакиллари турнирга тайёргарлик ва уни ўтказиш билан боғлиқ масалаларни — спортчилар ва ҳакамларни қабул қилиб олиш ва уларни жойлаштириш, уларга ҳамма шарт-шароитларни таъминлаш билан боғлиқ бўлган масалаларни муҳокама қилдилар. Мажлисда бажариладиган ишларнинг қаттагина қисми адо этиб бўлинганлиги ва 10 июнга бориб Тошкент меҳмонларни қабул қилишга ҳозир нозир бўлиши таъкидлаб ўтилди.

Мажлисда шунингдек «Toshkent open» теннис турнирининг тadbирлар рўйхати — теннисчиларнинг Тошкент шаҳар ҳокими Қозим Тулганов томонидан қабул қилиниши, қуръа ташлаш маросими, турнирнинг очилиши ва ёпилиши, ўйинларнинг бошланishi вақтига оид тadbирлар рўйхати муҳокама этилди ва тақдирланди.

Шундай қилиб ташкилий қўмида ўз ишчини давом эттирмоқда ва уйлашмиш ана шу катта спорт байрамга келадиган томошабинлар ҳам, унинг қатнашчилари ҳам ушбу байрамдан эър қониқши ҳосил қилдилар.

(Уз мухбиримиз).

КОРТГА РАҲБАРЛАР ЧИҚАДИ

Республикаимизда теннис энг оммавий спорт турларидан бирига айланди. Ҳар йили Ўзбекистон Республикаси Президенти Кубоғи, аёллар ўртасида «Toshkent open» халқаро турнири, вилоятларда «Челленджер» мусобақалари ўтказилиб келинмоқда.

Шу билан бир қаторда бу йил бешинчи бор «Хавас» турнири ҳам бўлиб ўтди. Унда иштирок этган раҳбар ходимлар тенниснинг ривожланишида шахсий намуна кўрсатдилар.

Тошкент шаҳрида ҳам шундай бөллашуви ўтказишга қарор қилинди. 3 июнда «Динамо» теннис мажмуида Тошкент шаҳар ҳамда туман ҳокимликлари, пойтахтдаги вазирликлар ва идоралар бошқармалар, чет эл ваколатхоналари раҳбар ходимлари ўртасида теннис бўйича мусобақалар ўтказилди.

Бу мусобақаларда иштирок этишни хоҳловчилар Тошкент шаҳар теннис федерациясига — 144-14-46, 144-44-12 рақамли телефонлар орқали ёки ички гуруҳига — 139-04-02 телефонлари орқали мурожаат этишлари мумкин.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги ҳузуридаги Матбуот гуруҳи.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ахбороти



ЎЗБЕКISTON RESPUBLIKASI МАРКАЗИЙ БАНКИНИНГ ҚИЙМАТИ 500 СЎМ БЎЛГАН ПУЛ БИЛЕТИНИ МУОМАЛАГА ЧИҚАРИШ ТЎҒРИСИДА

2000 йилнинг 1 июнидан бошлаб Ўзбекистон Республикаси марказий банкнинг қиймати 500 сўм бўлган пул билети муомалага чиқарилади.

Пул билети 144x78 мм. ўлчамда босилган.

Билетнинг ўнг тарафидаги кенг оқ рангли сатҳда Ўзбекистон Республикаси Герби кўринишидаги сув белгиси мавжуд. Билетнинг ўнг тарафида ҳимоя ипни ўтади.

Билетнинг олд тарафи асосан оч яшил, олчаранг, тўқ қизил ва бинафша, орқа томони тўқ қизил, яшил ва ҳаво ранглардан иборат.

Билет олд тарафининг юқори қисмида «ЎЗБЕКISTON RESPUBLIKASI МАРКАЗИЙ БАНКИ» ёзуви бор.

Билетнинг чап қисмида турли рангдаги безаклар фониде Ўзбекистон Республикаси Герби тасвирланган.

Гербининг пастки қисмида етти тарафли рақамли номери билан икки лотин ҳарфидан иборат серияс бор.

Билетнинг чап ва ўнгдаги бурчакларининг қуйи қисмида нақшдор рамка ичида «500» рақами тасвирланган бўлиб, банкнинг қийматини билдиради. Ундаги 500 рақами устига йирик ҳарфлар билан «СЎМ» деб ёзилган.

Пастки қисмида «ЎЗБЕКISTON СЎМИ RESPUBLIKA ХУДУДИДА ҲАММА ТЎЛОВЛАР УЧУН ЎЗ ҚИЙМАТИ БЎЙИЧА ҚАБУЛ ҚИЛИНИШИ ШАРТ» деган ёзуви бор.

Билет оқ сатҳининг қуйи қисмида билет серияси ва номери тагида «500» рақами тасвирланган, юқори қисмида «1999» ёзуви бор.

Билет орқа томонининг чап қисмидаги оқ сатҳда Ўзбекистон Республикаси Герби кўринишидаги сув белгиси мавжуд. Оқ сатҳнинг юқори ва пастки қисмида турли кўриниш ва ранглардаги нақшдор безаклар мавжуд. Пастки безак устида «500» рақами акс эттирилган.

Билетнинг марказида от миниб турган Амир Темура ҳайкали тасвирланган.

Ҳайкалининг ўнг тарафида миллий услубда турли ранглардаги нақшли безак тасвирланган.

Билетнинг марказий қисми юқори чап ва пастки ўнг томонларида бир-бирини кесиб ўтувчи «500» ва «СЎМ» ёзувлари мавжуд.

Билетнинг қуйи қисмида «ЎЗБЕКISTON СЎМИНИ ҚАЛБАКИЛАШТИРИШ ҚОНУНГА МУВОФИҚ ТАЪҚИБ ҚИЛИНАДИ» ёзуви мавжуд.

Мақур пул билети Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ҳамма тўловлар учун, мулкчилик шаклидан қатъи назар, барча жисмоний ва юридик шахслар томонидан, шунингдек, банклар томонидан омонатларга ва ҳисоб рақамларга қўйиш учун ҳеч қандай чекловларсиз қабул қилиниши шарт.

Куюнчақлик ЎЗ НОМИНГА МУНОСИБ БЎЛ, «ПАХТАКОР»

**Абдулла ТОЛИПОВ,
меҳнат фажрийси:**
— Ешим 70 га қараб кетаётган бўлса-да футболнинг ашаддий ишқибозиман. Эсимда, «Пахтакор»нинг Тошкентда бўладиган ўйинларида чипта сотиб олиш учун тонг саҳарлаб стадион касаларининг олдига келиб навабда турар эдим. Қоманданинг ҳар бир ўйини биздек футбол ишқибозлари қалбига бир олам қувонч бағишларди ўшанда. Чипта маносида «Пахтакор» ўша, олтинчи йилларда ўз номига ярашлиқ, ишқибозлар хурмати ни қозонган қоманди эди.

Эсимда, Тошкентда Бразилиянинг машҳур «Насонал» ва «Пирасикаба» қомандалари келиб «Пахтакор» билан учрашгани майдонга юрагини ховулаб турган эди. Бутун Европанинг донддор қомандалари билан беллашган ва унда энгилмаган бу қоманданинг кўнрақ Тошкентда ерга таққан эди. «Пахтакор» хатто ана шундай машҳур қомандаларни ҳам маълумнингта учратишдек салохиятта эга қоманди эди. Эсимда, Москвадан машҳур «Динамо» қомандасининг афсонавий дарвозабони Лев Яшин икки ойга жароҳат олганга қарамай, оёғини боғлаган ҳолда дарвозасини ҳимоя қилишга тушган эди. Ушанда афсонавий ҳужумчи Геннадий Красничикийнинг кучли зарбаларини қайтаргани Лев Яшиндек жакон тан берган дарвозабон ҳам охирикча қилган эди.

Оқридаги воқеаларни эслашимнинг бош сабаби кучи кенча ўз ишчини қилган Олий Мажлиснинг иккинчи сессиясида Юртбошимизнинг юртимиз фўқболи, айвниқса миллионлар меҳри қозонган, бугунги кунда эса ачинарли аҳолини бошдан кечираётган «Пахтакор» жамоаси ҳақида аччиқ, лекин ҳақиқатта яқин куюнчақлик билан айтган сўзлари бўлди. Кеча «ойнаи жаҳонда» «Ахборот» курсатувиде Ўзбекистон Республикаси футбол федерацияси ижроия қўмитасининг йиғилиши ўтказилганлигини кўриб, ана шу йиғилишда юртимиз футболнинг оқсаткичилиги, жаҳон футбол билан тенгласа олмаётганлиги, «Пахтакор» жамоасида ҳам сураётган муваффақиятсизлик ҳақидаги Юртбошимиз илтиддан келиб чиқиб, ўзбек футболги ривожига тўғанок бўлаётган камчилик ва муаммолар ҳақида сўз борганлигини эшитиб севиндим. Бир кеча футбол ишқибозси сифатида «Пахтакор» қомандаси ҳақида шундай куюнчақлик курсатибётганлиги меннинг қалбимда умид уқунларини уйғотди. Дарҳаққат қоманда ўзининг эски доғруғини тиклаш керак, ўринбосарларга эътибор қунайитирилиши лозим, футболчиларга профессионалларча муносабатда бўлиш даркор.

ЭРТАГА

«Пахтакор» жамоаси ўз майдониде Навоийнинг «Зарафшон» қомандаси билан учрашди. Биз, ишқибозлар ҳам қоманда ни шундай қийин шароитларда қўлаб-қуватламоғимиз керак. Шунинг учун мен «Пахтакор» ишқибозларига қарата мурожаат қилган: қомандамизни Юртбошимиз қўлаб-қуватлаётганларидек қўлаб-қуватлайлик, ўзимизнинг қарсақларимиз билан ўйинларимизни илҳомлаётганлардек ва уларга дала берайлик. Шунда стадион минбарларини тўлдириб ўтирган ишқибозлар олдиде пахтакорчилар ҳам юзимишни ерга қаратишмас керак деб ўйлайман.

Фарзандлари соғлом юрт қудратли бўлади, қудратли юртнинг фарзандлари соғлом бўлади.

Ислом КАРИМОВ


Хамюртларимиз Юртбошимизнинг оилаларга, фарзандларимизга кўрсатаётган ғамхўрликларидан руҳланиб, тахририятимизга кўплаб мактублар йўллашмоқда. Куйида улардан баъзиларини эътиборингизга ҳавола қиламиз.

● **Мунаввар НУРИДДИНОВА, 506-боғча услубийчиси:**
— Болалар жону дилим. Шунинг учун кўп йиллардан буён шу боғчада азиз болалар даврасида меҳнат қилиб келяман. Президентимиз томонидан бу йил Соғлом авлод йили деб номланганидан бошқалар сингари мен ҳам жуда қувондим. Ҳақиқатан ҳам соғлом авлод келажагимиз, орау-умидимиз. Фарзандларимизнинг келажақда жисмонан бақувват, илми, соғлом фикрли, баркамол инсонлар бўлиб етиштишларида нафақат ота-оналар, балки ўқитувчи

давлат дастури қабул қилингани, шунингдек, бу дастурда алоҳида қайд этилган олти устувор йўналишларнинг нақадар зарур ва муҳим вазибалар эканлиги барчаннинг диққат-эътиборини тортиди. Айниқса, юртбошимиз эътиборини жалб қилган олтинчи йўналиш — ногирон болаларни давлат томонидан ҳимоялашни кўчайтириш, уларни жамиятнинг тўлақонли аъзоларига айланиши учун шарт-шароит яратишдир. Зеро соғлом авлод — барча эзгу мақсадларимиз шарт, миллатимиз келажагидир.

1 июнь — Болаларни ҳимоя қилиш халқаро куни

СОҒЛОМ АВЛОД — МИЛЛАТИМИЗ КЕЛАЖАГИ



ҒАМХЎРЛИК ВА ЖОНКУЯРЛИК — ШИОРИМИЗ

Юртбошимиз ташаббуслари билан ташкил этилган, келажагимиз давомчилари бўлган болажонларимизни муҳофаза этувчи, уларга ғамхўрлик қилувчи, уларни ҳар томонлама етук ва баркамол бўлиб ўсишларида ўзининг муносиб ҳиссасини қўшиб келаётган «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармасининг фаолияти ҳақида ҳар қанча гапирсак арзийди. Шаҳар бўлимининг бугунги кундаги фаолияти ҳусусида унинг Тошкент шаҳар таянч бўлими директори Дилфуза Мирзаева билан суҳбатлашдик.

олиш кабилар ҳам фаолиятимиз мезонига киради.

Туманларда таянч пунктларимиз ҳам фаол иш олиб бормоқда. Ихтимой тиббий патронаж — АвтоАмбуланс бригадаси аҳоли саломатлигини мустақамлаш йўлида хизмат қилмоқда.

Бу йил Соғлом авлод йили деб эълон қилиниши муносабати билан жамғармаимиз фаолиятига ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Бу бизга фаолиятимизни янада кенгайтиришга ёрдам берди. Маҳаллаларда спорт тадбирлари ўтказишга катта аҳамият берилмоқда. Шаҳар микёсида теннис мусобақалари, «Янгиобод» соғломлаштириш мажмуида қизлар ўртасида сузиш, волейбол бўйича мусобақалар бўлиб ўтди. Айниқса, Ҳамза туманида бўлиб ўтган 1-Тошкент давлат тиббий институти талабалари ўртасидаги югуриш мусобақаси, «Соғлом муҳитда — соғлом авлод» деб номланган тарбиявий тадбирлар иштирокчилар хотирасида узоқ сақланиб қолади.

— Эртага Болаларни ҳимоя қилиш халқаро кунда жамғарма томонидан қандай тадбирлар ўтказиш режалаштирилган?

— Байрамга жамғармаимиз яхши тайёргарлик қўрган. Туманларимизда қатор байрам тадбирлари ўтказилди. Жумладан, Мирзо Улуғбек номидаги маданият ва истироҳат боғида кам таъминланган оилалар ва меҳрибонлик уйлари тарбияланувчиларига концерт берилди ва аттракционлар бепул хизматда бўлди. Собир Раҳимов туманида эса асрафалта расм чизиш бўйича кўриктанлов бўлиб ўтди. Фолиблар тақдирланади. «Соғломжон — полвонжон» спорт мусобақалари бўлиб ўтди.

Хуллас, байрам кунларида жажжи болажонларимизнинг яхши дам олишлари учун барча тайёргарликни қўрганмиз.

Суҳбатдош Шойра МУҲАМЕДОВА.

Анжуманлар

МЕҲР КЎРСАТ — МЕҲР КЎРГАЙСАН

Юнусобод туманида 832 нафар саховатга, меҳрга ташна ногирон болалар истикомат қилади. Уларга қаровига муҳтож бу болажонларнинг соғлиқларини қайта тиклаш, дардига малҳам бўлиш, ҳаётга ўз ўринларини топишларига кўмаклашиш, касб-ҳунар ўргатиш мақсадида бундан икки йил муқаддам тумандаги фаол аёллар ташаббуси билан Ногирон болалар соғлигини қайта тиклаш ва бирлаштириш жамияти — «КРИДИ» ташкил қилинган эди. Феруза Восикова раҳбарлик қилаётган мазкур жамият ҳодимлари шу кунгача кўпгина ўқсик қалблар оғирини енгил қилдилар, уларнинг меҳнат билан шугулланишлари, доридармонлар билан ўз вақтида таъминланишлари, кўпиктаёқ, ногиронлар аравачасига эга бўлишларида жуда катта мадад қилини чўздилар.

1 июнь — Болаларни ҳимоя қилиш халқаро куни арафасида Ногирон болалар соғлигини қайта тиклаш ва бирлаштириш жамиятининг ташаббуси билан яна бир хайрият тадбир ўтказилди. Пойтахтимиздаги серҳашам «Тошкент лени» истироҳат боғида икки кун давомида 500 нафар болажонлар ва уларнинг ота-оналари йиғилиб кўнглили ҳордиқ чикаришди. Шу кунлари истироҳат боғининг барча аттракцион, кўнглилар уйинлари болажонларга бепул хизмат кўрсатди. Қувончи ичига сирмаган, мурувватта ташна қалб эгалари уларни тайёрлаган концерт дастурини ота-оналарига, мутасаддиларга намойиш эттишти.

— Ушбу тадбирни ўтказишда

Акбар ЙЎЛДОШЕВ.

Соғлом авлод йили муносабати билан жойларда ранг-баранг тадбирлар ўтказилмоқда. Яқинда Юнусобод туманидаги «Янгиариқ» маҳалласида ҳам шундай мароқли маросим ўтказилди. Унда қатнашган ва сўзга чиққан маҳалла оқсоқоллари, хотин-қизлар кенгашларининг раислари фарзандларимизнинг ҳар томонлама соғлом ва келажақда етук инсонлар қилиб тарбиялаш ҳусусида қимматли фикрлар билдирдилар. Кичкинтойлар эса бахтли болаликни тараннум этувчи кўшиқларни айтиб, рақсга тушдилар. СУРАТДА: 331-болалар боғчасининг тарбияланувчилари кўшиқ ижро этишмоқда. Тоҳир Нигматуллин ва Равиля Альбеков олган суратлар.

ШАРҚ ДУРДОҲЛАРИ



● Айтишларича, бир булбул бир боғдаги дарахт тепасида ўтирар эди. Дарахт остида бир бола бўлиб, у тупроқ орасига дом қўймоқчи бўлди. Буни кузатиб турган булбул боладан:

— Нима қиламан? — деб сўради.

— Қушларни домга илтиртирмоқчиман! — деди бола.

— У қандай қушки, — деди булбул болага, дон тамасида ўзини домга илтиртиса!

— Агар тама ҳаракатга келтирса тушаверади, — деди бола.

Булбул боланинг гапларига қулиб, нарироққа учиб кетди. Бола ҳам домни тупроқ орасига яшириб, ўзи бир четга бориб ўтирди. Ногаҳон атрофни айланиб юрган булбул донлаб келиб, бола қўйган домнинг халқасига тушиб қолди. Бўшаҳ учун қанча ҳаракат қилса дом шунча маҳкам бўлар эди. Бола яширинган жойдан чиқиб, уни тутиб олди ва деди:

— Мени таниясанми? Сен донни кўриб, домни кўрмадинг! Тама ва гурур сени мен қўйган домга илтиртирди!

— Ҳа, — деди булбул, — паймона тўлса, кўз кўр бўлиб қолар экан! Қанча тадбир ва хийла қилма, барибир фойдаси бўлмас экан!

Булбул банддан қутулиш орузида қанча ҳийқот қилмасин, хийла тадбирни ишга солмасин, ҳеч иложи бўлмади. Бола уни қафасга солиб, бозорга олиб борди. Бир киши уни сотиб олиб, уйига олиб кетди. Булбул халғи кишига қараб:

— Эй киши, мени озод қил, кичкина болаларим бор, уларга дон олиб бораман деб, домга тушдим! Мени сақлашдан сenga нима фойда? Агар мени қўйиб юборсанг, сен учун урта насиҳат айтаман, улардан катта наф қўрасан! — деди.

Халғи киши:

— Майли, айтсанг айтақол, озод қилганим бўлсин! — деди.

— Биринчи насиҳатни, — деди булбул, — қафасдан озод бўлганимда айтаман!

У киши булбулнинг таклифини қабул қилди ва унинг илтимоси бўйича домга тушган боққа олиб борди ва:

— Айт, энди! — деди.

— Агар, — дея гап бошлади булбул, қазову қадр ҳукми билан бирор нарсдан айрилсанг, асло алам тортма, ғам ема! Чунки унинг фойдаси йўқ, ўзингни қийнайсан, холос!

— Яхши айтдинг! — деди киши. — Энди иккинчисини айт!

— Мени қафасдан чиқар, сўнг айтаман! — деди булбул. Халғи киши унга:

— Ҳа қоҳчи кетмоқчиман, мени алдамоқчи бўлясанми? Учиб кетгандан кейин сени қандай тутаман! — деди.

— Эринг сўзи битта бўлади. Икки оғғимдан маҳкам ушлаб турасан, мен эса иккинчи насиҳатни айтаман! — деди булбул.

Халғи киши уни қафасдан чиқарган эди.

— Иккинчи насиҳат шуки, — деди у, — бировдан маҳол ва ёлгон сўз эшитсанг ишонма, маҳол вадада умид боғлама!

— Учинчи насиҳатни айт! — деди киши.

— Мени қўйиб юбор, сўнг айтаман! — деди булбул.

Халғи киши булбулни қўйиб юборди. Булбул учиб бориб, дарахт устига қўнди, қутулгани учун ҳамду сано айтди.

— Қандай гап? — сўради киши.

— Эй йигит, учинчи насиҳат шуки, ҳеч қачон хомтамалик қилма!

— Хомтамалик киши авлодини ҳору залид қилади, турли балоларга гирифтор этади. Чунки ўзим ҳам тама туфайли домга илинган эдим! Эй йигит, сен менга лутфу аҳсон кўрсатдинг. Шунинг учун сenga бир гап айтмоқчиман!

— Сен ниҳоятда нодон экансан, мени қўйиб юбори хато қилдинг, — деди булбул.

— Нега? — сўради йигит.

— Менинг қорнимда, — жавоб берди булбул, — бир ғамбар бўлиб, оғирлиги бир мисқол келади. Сен ундан бенасиб бўлдинг!

Йигит бу сўзларни эшитди-ю юраги ўйнаша қулади. Пешонасига уриб: «Эҳ, қандай аҳмоқлик қилдим, — деб афсус чекаверди. Қуш буни кўриб:

— Ҳозир сenga уч насиҳат айтдим. Аммо ҳар учовинчи ҳам унутдинг! — деди. — Аввало қўлдан кетган нарсага қайғурма дедим. Мен қўлдан кетдим, аммо сен қайғургансан! Иккинчи, хомтама бўлма дедим, аммо сenga дарров тама ҳаракатга келди. Учинчи, маҳол сўзга ишонма дедим, аммо сен мени синамай туриб, сўзларимга чиппа чин ишондинг ва мени қўйиб юбординг! Энди таассуфим ҳеч фойдаси йўқ!

Ҳар қуш чиқаролса бўйиндан гар дом,

Қачон бошқа домга бўлуғусидир йом!

Менинг бутун оғирлигимнинг ўзи йигирма мисқол келмайди-ю ичимада йигирма мисқолли гавҳар нима қилсин! Бу маҳол гапдир! Аввал сўз маъносининг тағига ет, сўнг афсус-надомат ҳақида ўйла!

Йигит булбулнинг гапларидан хижолат чеқди ва унга: «Рост айтасан!» деди. Булбул гапида давом этиб деди:

— Сен манга яхшилик қилдинг, яхшиликнинг мукофоти яхшиликдир. Мен сени бу дарахт остига бекорга олиб келганим йўқ! Шу дарахт остида олтин тўла қўза бор, уни қавлаб олиб, харж қил!

Йигит хайрон бўлиб, ундан:

— Эй булбул, бу қандай сирки, дарахт остидаги олтинни кўрибсан, аммо тупроқ остидаги домни кўрмабсан? — деб сўради.

— Ҳа, гапинг тўғри, — деди булбул, — шундай вақт ҳам бўладики, кишида тама ўти аланга олғач, қўзи ҳеч нарсани кўрмай қолади!

Муҳаммад ЖАБАЛУДИЙ.

Маҳмуд ҲАСАНИЙ таржимаси.

ҲАММАМИЗНИНГ ОРЗУ-УМИДИМИЗ

мураббиялар ҳам кўпроқ қайғуришимиз лозим. Юртбошимиз таъкидлаганларидек, «Фарзандларимиз биздан кучли, билимли, доно ва албатта бахтли бўлишлари шарт». Бу жуда тўғри ва оқилона айтилган деб ўйламан.

Болалар онгини ёшлигидан оилада, боғчада шакллантириш, маънавиятини бойитишимиз, китоб ва газета-журналлар ўқишга қизиқтиришимиз зарур. Ана шунда улар маънан етук ва баркамол инсонлар бўлиб етишадилар.

● **Муқаддас МИРАҲМЕДОВА, 100-мактаб-интернат директори:**

— Президентимиз соғлом авлодни тарбиялашга, маънавий бой, ахлоқдан етук, жисмонан бақувват ва ҳар томонлама баркамол шахсни шакллантиришга қаратилган кенг қўламадаги тадбирларни амалга ошириш йўлида тинмай кўрсатаётган ғамхўрликларидан бениҳоя мамнунимиз. Айниқса, давлатимиз раҳбари томонидан «Соғлом авлод»

● **Роза САГДИЕВА, Миробод туманидаги 1-оилавий шифохонанинг врач гинекологи:**

— Мамлакатимизда йилдан йилга туб ўзгаришлар, янгилаш охири амалга оширилмоқда. Айниқса, кейинги йилларда оила, инсон, аёл ва фарзандларимизга нисбатан янада кўпроқ эътибор қаратилаётгани кувончли воқеадир.

Президентимизнинг «Соғлом авлод» дастури бўйича муҳим устувор йўналишлардан бирида ҳимоядорлик ҳамда фарзанд туғилиши пайтида она ва бола саломатлигини назорат қилиш, мустаҳкамлаш ва сақлаш каби энг зарур масалалар таъкидланган. Бу жуда муҳим ва айна долзарб масала. Зеро, соғлом фарзанд соғлом оиладагина дунёга келади. Шунинг учун аввало қизларимизни, бўлажақ оналарнинг соғлиғига кўпроқ аҳамият беришимиз зарур. Она ва бола саломатлиги Ватанимиз равнақи учун муҳим аҳамиятга эга.

Дилором ИКРОМОВА ёзиб олди.

ХАЙРИЯ ТАДБИРИ

Яқинда шахримиздаги салобатли Давлат цирки шаҳар таълим-тарбия муассасаларида тарбияланаётган болажонларни ўз бағрига чорлади. Бу ерда Ўзбекистон телерадиокомпаниясининг IV канал ижодкорлари «Болаларни ҳимоя қилиш» халқаро кўнига бағишлаб кенг камровли хайрия тадбирини ўтказдилар.

«Болалар оламин» мавзуси остида ўтган ушбу тадбирда энг роқ соғлиқ, қарнай-сурнайларнинг шўх садолари журитидаги қўшиқлари билан диёримизда машҳур бўлиб келаётган «Аб-бос» гурухи, қонанда Тоживой Шукроров раҳбарлигидаги «Тоғ-гурухи икросиди» жозибали, дилга яқин қўшиқлар, цирк усталирининг аjoyиб аттракцион уйинлари, шунингдек, шаҳар халқ таълими бош бошқармаси тасаруфидидаги таълим-тарбия масканлари ҳузурида ташкил толган «Табассум», «Юлдузча», «Севинч» болалар бадий гурухларининг чиқишлари дастур мазмунига янада жозоба бахш этди.

Бадий жамоаларнинг ҳар бир чиқишлари шахримизда фаолият кўрсатаётган Польша элчи-хонаси, шунингдек, Мирзо Улуғбек ва Боги Эрам номли болалар жамоаси раҳбариятининг эсдалик совғалари билан тақдирландилар.

Ушбу байрамона тадбирда шаҳар халқ таълими бош бошқармаси тасаруфидидаги меҳрибонлик уйлари ва махсус мактаб-интернатларнинг 1100 дан ортик тарбияланувчилари шодлик лаҳзаларидан баҳраманд бўдилар.

Тадбир иштирокчиларидан бири, Собир Раҳимов туманидаги ногирон болаларнинг 100-мактаб-интернати бош тарбиячиси Ибодат Норматов ўзининг куйидаги дил сўзларини изҳор этди:

— Ушбу хайрия концертига тақдир қилинган тарбияланувчи ўқувчилар қатори бизнинг таълим-тарбия масканимиздан ҳам 100 дан зиёд болалар таъриф буюрдилар. Улар ушбу тадбирдан олам-олам завқ-шаҳқ олдилар.

Гулором ҲАМИДОВА.

Аликун ТУРСУНМАТОВ.

ИСТЕЪДОД БУЛОҒИ КЎЗ ОЧСА...

— Ҳунар ва билим мулкдир, — дейди Тошкент шаҳар республика ўқувчилар саройининг директори Олия Иброҳимова, ушбу даргоҳда олиб борилаётган ишлар ҳусусида сўзлар экан. — Ота-оналар аввало болаларнинг бўш вақтларини бекор ўтказмасликларига катта эътибор беришлари керак. Болаларни ёшлиқларидан қизиқтириларига қараб тўғрақларга, спорт клубларига аъзо қилинса, мақсадга мувофиқ бўлади.

Бизнинг ўқувчилар саройида йилдан йилга тўғрақлар ва болалар сони ошиб бормоқда. Ҳозирги кунда бу ерда 218 та тўғрақ мавжуд бўлиб, 4000 га яқин бола ўзи севган тўғрақларга аъзо. Бадий нафосат, амали ва тасаввир санъат, расм, ганчкорлик, нақшошлик, миллий чол-йигул, рақс, доира, ЭҲМ, компьютер, ракета-модель, мағулла ва шу сингари кўплаб тўғрақлар, дасталар мавзелида шунингдек, бу йил санъатсеварлар клуби ташкил жуд. Шунингдек, бу йил санъатсеварлар клуби ташкил жуд. Шунингдек, бу йил санъатсеварлар клуби ташкил жуд.

«Ту» этилиб, ўқувчилар имтиҳон асосида танлаб олинди, «Ту» этилиб, ўқувчилар имтиҳон асосида танлаб олинди, «Ту» этилиб, ўқувчилар имтиҳон асосида танлаб олинди.

«Юлдузча» рақс дастаси ва доирачилар тўғрақларида Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артистлар Насиба Мадраҳимова, ака-ука Элмурод ва Холмурод Исломовлар болажонларга сабоқ бериб келишмоқда. Улар ўқувчиларга санъатларга сабоқ бериб келишмоқда.

Улар ўқувчиларга санъатларга сабоқ бериб келишмоқда. Улар ўқувчиларга санъатларга сабоқ бериб келишмоқда.

Улар ўқувчиларга санъатларга сабоқ бериб келишмоқда. Улар ўқувчиларга санъатларга сабоқ бериб келишмоқда.

Улар ўқувчиларга санъатларга сабоқ бериб келишмоқда. Улар ўқувчиларга санъатларга сабоқ бериб келишмоқда.

Улар ўқувчиларга санъатларга сабоқ бериб келишмоқда. Улар ўқувчиларга санъатларга сабоқ бериб келишмоқда.

Улар ўқувчиларга санъатларга сабоқ бериб келишмоқда. Улар ўқувчиларга санъатларга сабоқ бериб келишмоқда.

Улар ўқувчиларга санъатларга сабоқ бериб келишмоқда. Улар ўқувчиларга санъатларга сабоқ бериб келишмоқда.

Улар ўқувчиларга санъатларга сабоқ бериб келишмоқда. Улар ўқувчиларга санъатларга сабоқ бериб келишмоқда.

Улар ўқувчиларга санъатларга сабоқ бериб келишмоқда. Улар ўқувчиларга санъатларга сабоқ бериб келишмоқда.

Улар ўқувчиларга санъатларга сабоқ бериб келишмоқда. Улар ўқувчиларга санъатларга сабоқ бериб келишмоқда.

Улар ўқувчиларга санъатларга сабоқ бериб келишмоқда. Улар ўқувчиларга санъатларга сабоқ бериб келишмоқда.

Улар ўқувчиларга санъатларга сабоқ бериб келишмоқда. Улар ўқувчиларга санъатларга сабоқ бериб келишмоқда.

Улар ўқувчиларга санъатларга сабоқ бериб келишмоқда. Улар ўқувчиларга санъатларга сабоқ бериб келишмоқда.

Улар ўқувчиларга санъатларга сабоқ бериб келишмоқда. Улар ўқувчиларга санъатларга сабоқ бериб келишмоқда.

Улар ўқувчиларга санъатларга сабоқ бериб келишмоқда. Улар ўқувчиларга санъатларга сабоқ бериб келишмоқда.

Улар ўқувчиларга санъатларга сабоқ бериб келишмоқда. Улар ўқувчиларга санъатларга сабоқ бериб келишмоқда.



Санъат

Куй-қўшиқ шундай сирли мўъжизаки, у хатто жажжи кичкинтойлар қалбига она алласидек ором бергүчидир. У эзгулик макон тутган юракларда яшайди. Ёшлигидан сеҳрли куй оламини шаҳдам келган, бутун умрини азиз болажонлар қалбига эзгулик, меҳр нуралини сочиб куй-қўшиққа ошно этиб келаётган инсонни ҳаммамиз яхши таниймиз. У «Булбулча» болалар хор дастасининг раҳбари, бастакор, Ўзбекистон халқ артисти, «Соғлом авлод» ордени соҳиби Шермат Ерматовдир.

ФАРЗАНДАЛАРГА БАХШИДА УМР

Шермат ака, сизни катталардан ҳам кўра кичкинтой болажонлар кўпроқ «ойнаи жаҳон»да кўп йиллардан бун намойиш қилиб келинаётган «Кўшигим» — жон кўшигим кўрсатуви ҳамда «Булбулча» болалар хор дастасининг раҳбари сифатида яхши танишадим. «Булбулча» дастаси юрагингизнинг бир парчасидек гўё, шундай эмасми?

Ха, тўғри айтдингиз. Ушбу даста аъзолари менинг хаётим, ижодим, фахрим, Ёшлигимдан ҳам санъатга, ҳам болаларга меҳрим бўлачкан. Уч ёшимдан санъатга кизиқиб доира чалганман. Мактабга борган вақтларим доирани ҳам кўтариб борардим. Кўпчили: «Шермат ака, сизнинг чеҳрангизда илик меҳр, кўзларингизда болаларни ўзига ром этувчи сирли нур борга ўхшайди», дея ҳазиллашадим. Бўлса бордир, Инсоннинг қалби юзқўздан билинади, дейишадик. Болаларга бўлган меҳрим — Ватанга бўлган меҳримдир. Улар жону дилим. Болалар билан ишлаб чарчаш нималигини билмайдим. — Сиз фарзандлариниз учун кўплаб кўшиқлар яратгансиз, мусикаларни фақат ўзингиз басталайсизми ёки бошқа баста-



корлар билан ҳамкорлик қиласизми?

— Йўғе, албатта таниқли бастакорлар, таниқли болалар шoirлари билан ҳамкорликда ишлаб келяпмиз. А. Мансуров, Н. Норқўжаев, Д. Омонуллаева сингари бастакорлар доимо ўз ёрдамларини аямай келишапти. Шулар қатори ўзим ҳам жуда кўп мусикалар яратдим. Хозир 150 дан ортқ кўшиқларимни болалар севиб ижро этишмоқда. — «Булбулча» гуруҳи қачон ташкил топган?

«Кўшигим» — жон кўшигим кўрсатуви ҳам кўп йиллардан бун болажонларга яхши таниш. Бу кўрсатув фарзандларимизнинг санъатга бўлган муносабатларига қандай аҳамиёт касб этапти, деб ўйлайсиз?

— Республикада кўшиқ санъатини ривожлантириш мақсадида 1970 йил ҳукуматимиз томонидан махсус қарор чиққан. Шу қарорга жавобан «Булбулча» хор дастаси ташкил топган. Мана бу

йил дастанинг ташкил топганига 30 йил тўлади. Ўзим ҳам 60 ёшни қаршлайман. Умримнинг 30 йиллини болаларга бахшида қилдим. Бундан фахрланаман, албатта. Хозирги кунда жамоамиз янада кенгайган. Рақс дасталари, миллий чолғулар гуруҳлари мавжуд. 700 га яқин уч ёшдан йигирма ёшгача бўлган ўқувчилар қатнашмоқда. Жамоамиз билан ҳамдўстлик мамлакатларининг қарийб ҳаммасида, шунингдек чет мамлакатлардан Германия, Югославия, Конго ва бошқа шу сингари давлатларда халқро болалар фестивалларида иштирок этиб, соҳибини ўринларни олиб қайтганмиз.

«Кўшигим» — жон кўшигим кўрсатуви мана қарийб 25 йилдан бун кенг қамровда мунтазам намойиш қилиб келинапти.

— 1 июнь — Болаларни ҳимоя қилиш халқро кун арафасида болажонларга тилақларингиз...

— Болаларнинг байрамларига бағишлаб «Туркистон» саройида ўтказилган 1-Республика болалар фестивалига тийгирарлик қўрдик. Бу ерда 6 мингга яқин томошабин ва санъатсевар ёшлар қатнашиб, катта байрам тадбири ўтказилди. Улар ҳаммалари биргаликда кўшиқ қўлашди. Ёш кўшиқсевар болажонларга тилагим — доимо соғ бўлишин, болалар болаларча кўшиқларни, шунингдек, миллий кўшиқларини севиб ижро этишларини истардим. Ҳақиқатан ҳам болаларнинг кўноқ кулгиларини янграқ кўшиқлари жарангласин.

Гулнора ШОКИРОВА суҳбатлашди. СУРАТДА: Ўзбекистон халқ артисти Шермат Ерматов «Булбулча» болалар хор дастаси билан.



БЕШИК БОЛАСИ — БЕК БОЛАСИ (АСКИЯ)

ИСКАНДАР. Убайдулла ака, меъ Сизга ҳам, Жалолиддинга ҳам «БЕШ» кетмадим.

УБАЙДУЛЛА. Бунчалик БЕШАФАҚАТ бўлманг, сабабини билсак бўладими?

ИСКАНДАР. Албатта. Яқинда икковингизни «БЕШИНЧИ трамвай» йўлида қўриб қолдим. «БЕШИКТЕРАВАТ»га ўхшаб, етаклашиб кетаётган экансизлар, тинчликми?

УБАЙДУЛЛА. Уша томондан БЕШ хонали уй олган бир дўстимизни табриклагани борган эдик. Биласиз-ку, биз БЕШЕРИК юрмаймиз.

ЖАЛОЛИДДИН. «БЕШ КУНИК ДУНЁ»да инсонга ҳамма нарса керак бўлар экан. БЕШИНЧИ қалиш қидириб, дўқонларни ҳам айландик.

ИСКАНДАР. Қалиш қурғур «Чорсу» бозоридан ташқари «БЕШЕГОЧ», «БЕШКАЙРАГОЧ»даги дўқонларда ҳам тоғиларди-ку.

УБАЙДУЛЛА. Сиз айтган манзилларда нархи қиммат. Бу ердаги БЕШИЖОАТ сотувчиларнинг кўпчилиги чайқовчи, «БЕШ ПАНЖАЛАРНИ ОЗГИГА ТИҚАНЛАРДАН».

ЖАЛОЛИДДИН. Ха, «БЕШ КЎЛ БАРАВАР ЭМАС». Арзмаган матоҳнинг нархи бир жойда арзон, икки қадам нарига борсанг, БЕШАК осмонда.

ИСКАНДАР. Нимасини айтасиз, айрим БЕШУКУР сотувчилар харидорларни шиллаш дардига йўлиққан шекилли, улар БЕШАРМ, БЕШАФАҚАТ чиқиб қолган. Нарх-навони ҳам қундан-қунга БЕШБАТТАР ошираётган БЕШИФО химсалар ҳам аслида ўшалар.

УБАЙДУЛЛА. Лекин ҳали ҳам бўлса, бозордаги «БЕШИКЧИ», сумакчи усталарда озгина инсоф бор.

ИСКАНДАР. Нима, Сизга БЕШИК керакми, сумакчи?

УБАЙДУЛЛА. Ха, Жалолиддинни «БЕШИККА СОЛМОҚЧИЙДИК».

ИСКАНДАР. Жалолиддинни «БЕШИККА БЕЛАСАНГИЗ» оёғи чиқиб қолади-ку! Тагин боши БЕШИКСЎПОҚ бўлиб қолмасин.

УБАЙДУЛЛА. «БЕШИК-БИЛИГИ» бежогли бўлса, боланинг ости ҳам доим қуруқ, покиза, боши, оёқ-қўли ҳам тўғри бўлади.

ЖАЛОЛИДДИН. Нега Сизларга менинг ташвишим тўшиб қолди? «БЕШИГИМИНИ ТЕБРАТАНЛАР БОШҚА!»

ИСКАНДАР. Ахир Сизни «БЕШИККА СОЛИБ» оёқ-қўлингизни боғлаб қўймасан, сўргини ташлаб, бармогингизни сўриб ётибсиз!

УБАЙДУЛЛА. Кўнглингизга келмасин-ку, Жалолиддин, «БЕШИКДА ЭТИШ» ҳаммага ҳам насиб қилавермайди. Мана мен ондан етти ойлик тўғилди, бузамнинг теллақлариде катта бўлган эканман. Шу аҳолида бировнинг қизи менга «БЕШИККЕРТИ» ҳам қўлингиз экан.

ЖАЛОЛИДДИН. Бу гапингизга БЕШИК ишонамиз.

УБАЙДУЛЛА. Мана, Худода шукур, умирим бор экан, тўқилган риску насибамни тегиб, катта оилам БЕШИГИНИ тебратиб турибман.

ИСКАНДАР. Гапингиз сирасини айтганда, авваллари БЕШИККА БЕЛАНГАН боланинг оёқ-қўли маҳкам боғлаб қўйилгани учун суяклар, мушаклари яхши ўсмайди, бола доим қалқанча ётаверганидан боши ясси, сўпоқ бўлиб қолади, бундан ташқари, БЕШИК

УСТИ гўвранлиш билан йпилганидан бола димкичи, яхши нафас олмайдди, ақли охиж бўлади, дейишарди. Сиз БЕШИКДА КАТТА БЎЛГАНГИЗ билан ақли-хушингиз жойида, сузамолсиз.

ЖАЛОЛИДДИН. «БЕШИК БОЛАСИ — БЕК БОЛАСИ» деб, бекиз айтишмаган. Бола бўлса, мендек соғлом, дурқун, бардам, бақувват бўлар! Мана, БЕШАРИҚДА ўтказилган БЕШКУРАШДА не-не полвонлар билан беллашиб, БЕШИНЧИ ўринни олдим-ку!

УБАЙДУЛЛА. Ха, балли! Ана энди ўзингизга келдингиз, ошнам! Доноларимиз: «ОНА БЕШИК ТЕБРАТАР, БОЛА ДУНЁНИ» дейишгани шу-да!

ИСКАНДАР. Гапингиз жуда тўғри, Убайдулла ака. Бўлмаса, БЕШИКДА КАТТА БЎЛГАН қанчадан-қанча олимۇ фузалро, боксчи, полвонларимиз оламга машҳур бўлишармиди? БЕШИКДА яхши ҳикмат, фазилат борки, улар шундай улуг даражаларга етишишган.

Не-не полвонлар билан беллашиб, БЕШИНЧИ ўринни олдим-ку!

УБАЙДУЛЛА. Келинларимиз, қизларимиз эгниларига духобадан БЕШБЕЛ, БЕШАМАТ кийишиб, соғлом чақалоқларни дунёга келтириб, БЕШИК УСТИДА ала айтиб, катта қилишсин!

ЖАЛОЛИДДИН. Искандарга ўхшаган БЕШИКПАРВАР шoirлар илҳами бўлиб, БЕШИКЛАР ёзишсин:

Омон бўлсин БЕШИК боласи,
Ўзига хон, бекнинг боласи!
Ўзбекистон гули — лоласи,
Асал-қанди, жигарпораси,
Оқмасин ҳеч қўздан жоласи!

УБАЙДУЛЛА. Э, янган! Бунақа шеърларга «БЕШНИ ТАШЛАБ», ҳар қанча БЕШКАРСАККА тушсан ҳам камлик қилади-ёе!

ЖАЛОЛИДДИН. Тўғри айтасиз, Убайдулла ака. Қарсақ чалишга ўччаламиз камлик қилаймиз шекилли. Кейинчалик қўлайишиб, тўрттоқ, БЕШОВ бўлиб, «БЕШУРУФ» сайлига БЕШАРОБ борсак, яхши бўларди.

ИСКАНДАР. Қовун сайлига ҳали озгина вақт бор. Худо хоҳласа, борармиз. Унгача БЕШОТАРНИ олиб, БЕШКЎРҒОН томонларга овга чиқасми дейман.

УБАЙДУЛЛА. Фикрингизга БЕШАРТ қўшиламиз. Қайтишимизда БЕШТЕРАҚДАги бир дўстимизникида Сизларни БЕШБАРМОҚ билан меҳмон қилардим.

ИСКАНДАР. Қайси танишингиз? Анови «БЕШҚАРТАДА ЮТ-ҚАЗАН» одамни айтаяпсизми?

ЖАЛОЛИДДИН. Йўқ, менинча, сочлари БЕШКОКИЛ, ойдайдойдай БЕШТА қизлари бор БЕШУМУРОД акани айтаятилар.

ИСКАНДАР. Қани, кетдик бўлмас! Сафаримиз БЕШИКАСТ бўлсин!

УБАЙДУЛЛА. Мана бу гапингизга «БЕШ» баҳол ХАММАЛАРИ БИРГАЛИКДА:

Омон бўлсин БЕШИК БОЛАСИ,
Ўзига хон, ўзбек боласи!
Алла айтсин БЕШИК БОШИДА,
Соғ-саломат тўқдан онаси!

Оқда кўчирувчи: Искандар РАҲМОН.

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

«ЎЗБЕКДАВЛАТЦИРКИ» РЕСПУБЛИКА БИРЛАШМАСИ
Танлов асосида:
Ташқи кўриниши билан ўзига тортадиган, рус ва ўзбек тиллари бўйича билимга, яхши талаффузга эга бўлган 20 ёшдан 30 ёшгача йигитларни (бўйи 180—185) ва қизларни (бўйи 165—170) ТАКЛИФ ЭТАДИ
Маълумот учун телефонлар: 144-35-94, 144-32-23.

Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармаси раҳбарияти ва шахсий таркиби Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирининг ўринбосари, милиция генерал-майори Б. Р. Парфияга падари бузруквори
РАҲМАТ ОТАНИНГ
вафоти муносабати билан чўқур таъзия изҳор қилади.
«Тошкент оқшом» ижодий жамоаси газетанинг соғиб бўлим мудир, ёзувчи ва журналист, «Ўзбекистон овози» газетасининг бўлим мудир
Ҳамид ИКРОМОВНИНГ
вафот этганилиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига ва яқинларига чўқур ҳамдардлик билдиради.
Шаҳар Ободонаштириш бош бошқармаси маъмурияти, қасаба уюшма қўмитаси Собир Раҳимов тумани ободонаштириш бошқармаси бошлиғи Шоймасқуд Назирович Шомансуровга умр йўлдоши
Марғуба Собировна ШОМАНСУРОВАНИНГ
бевақт вафоти муносабати билан чўқур таъзия изҳор қилади.
«Тошкент оқшом» ижодий жамоаси газетанинг фаол муаллифи, элшўнос олим, тарих фанлари номзоди Билал Аминовга падари бузруквори
МАҲМУД ОТАНИНГ
вафот этганилиги муносабати билан чўқур ҳамдардлик билдиради.

Баш муҳаррир
Акмал АКРОМОВ
Манзилимиз:
700000, Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:
хатлар — 133-29-70;
эълонлар:
133-28-95, 132-11-39;
факс: (3712) 133-29-09.
Душанба, чоршанба ва жума
қуллари чиқади.
Нашр кўрсаткичи — 209
Ҳажми — 2 босма табоқ офсет усулида босилади.
Қоғоз бичими А-2

ЎҚИШГА МАРҲАМАТ!
Тошкент шаҳар ҳокимлиги Ўрта махсус, касб-хўнар таълими ҳудудий Бошқармасига қарашли академик лицейлар 9-синфини тугатган ўқувчиларни қуйидаги йўналишлар бўйича ўқишга таклиф этади:
1. Миллий университет қошидаги С. Х. Сирожиiddнов номи Чилонзор академик лицейи йўналиши:
1. Иқтисодий гуманитар
2. Аниқ фанлар
3. Табиий фанлар
Манзили: Чилонзор, 9-мавзое, 33-уй.
Тел. 78-86-49
2. Тошкент Тўқимачилик ва енгил саноат институти қошидаги Яққасарой академик лицейи йўналиши:
Манзили: Шохжон кўчаси, 4-бино, 5-уй.
Тел. 53-64-19
3. Тошкент Шарқшунослик институти қошидаги Юнусобод академик лицейи йўналиши:
1. Хорижий филология
Манзили: Юнусобод тумани, 7-мавзое.
Тел. 24-15-51
4. Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университети қошидаги А. Икромов академик лицейи йўналиши:
1. Хорижий филология
Манзили: А. Икромов тумани, Решетов кўчаси, 5-уй.
Тел. 75-93-12
5. Тошкент Ирригация ва оқшоқ ҳўжалигини механизациялаштириш муҳандислари институти қошидаги Юнусобод академик лицейи йўналиши:
1. Аниқ фанлар
2. Иқтисод
Манзили: Юнусобод тумани, Носиров кўчаси, 2-уй.
Тел. 35-87-21
6. Тошкент Давлат иқтисодий университети қошидаги Чилонзор академик лицейи йўналиши:
1. Иқтисод
Манзили: Чилонзор тумани, Олмазор кўчаси, 183-уй.
Тел. 132-63-61
7. Тошкент Давлат техника университети қошидаги Чилонзор академик лицейи йўналиши:
Манзили: Чилонзор тумани, Гулiston дахаси, 21-уй.
Тел. 170-31-98
8. Тошкент Автомобиль йўллари институти қошидаги А. Икромов академик лицейи йўналиши:
1. Аниқ фанлар
Манзили: А. Икромов тумани, Алгоритм дахаси, 31-кв.
Тел. 170-67-20
9. Тошкент Темирйўл транспорти муҳандислари институти қошидаги Миробод академик лицейи йўналиши:
1. Аниқ фанлар
2. Иқтисод
Манзили: Миробод тумани, Одиқўжаев кўчаси, 1-уй.
Тел. 199-03-14
10. Тошкент Юридик институти қошидаги Юнусобод академик лицейи йўналиши:
1. Иқтисодий-гуманитар
2. Табиий фанлар
Манзили: Юнусобод тумани, Қиёт мавзеси (соғиб Марказ-5).
Тел. 35-43-39
11. Жаҳон Иқтисодий ва дипломатияси университети қошидаги Шайхонтоҳур академик лицейи йўналиши:
1. Иқтисодий-гуманитар
2. Табиий фанлар
3. Хорижий филология
Манзили: Шайхонтоҳур тумани, Хуршид кўчаси.
Тел. 41-80-33
12. Тошкент Педиатрия тиббиёт институти қошидаги Юнусобод академик лицейи йўналиши:
1. Табиий фанлар
Манзили: Юнусобод тумани, Ж. Обидова кўчаси, 223-уй.
Тел. 60-44-00
13. Тошкент Шарқшунослик институти қошидаги С. Раҳимов академик лицейи йўналиши:
1. Хорижий филология
Манзили: С. Раҳимов тумани, С. Бобожонов кўчаси 20-уй.
Тел. 48-02-71
14. Тошкент Электротехника алоқа институти қошидаги Мирзо Улўбек академик лицейи йўналиши:
1. Аниқ фанлар
2. Иқтисодий
Манзили: Мирзо Улўбек тумани, Буз-2 дахаси.
Тел. 60-39-69

TOHSHENT SHAХРИДА ФАОЛИЯТ КўРСАТАЁТГАН КАСБ-ХўНАР КОЛЛЕЖЛАРИ
Table with 3 columns: Касб-хўнар коллежи номи, Манзили, Мутахассислик